

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04.12.2018.ТІВ.77.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

НИЗАМОВА МАДИНА МИРГАБТИЗЯНОВНА

**ЎТКИР ЎПКА РЕСПИРАТОР ДИСТРЕСС-СИНДРОМИНИНГ
НУР ТАШХИСИ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2019

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Низамова Мадина Миргабтиязновна

Ўткир ўпка респиратор дистресс-синдромининг
нур ташхиси 3

Низамова Мадина Миргабтиязновна

Лучевая диагностика острого легочного респираторного
дистресс-синдрома..... 23

Nizamova Madina Mirgabtizyanovna

Radiological diagnosis of acute pulmonary respiratory
distress syndrome..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 48

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04.12.2018.ТІВ.77.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

НИЗАМОВА МАДИНА МИРГАБТИЗЯНОВНА

**ЎТКИР ЎПКА РЕСПИРАТОР ДИСТРЕСС-СИНДРОМИНИНГ
НУР ТАШХИСИ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib360 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Икрамов Адхам Ильхамович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ходжибеков Марат Худайкулович тиббиёт фанлари доктори, профессор Парпиева Наргиза Нусратовна тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc. 04.12.2018.Tib.77.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри Фаробий кўчаси 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-29-78; e-mail: info@ronc.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри Фаробий кўчаси 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-29-78; e-mail: info@ronc.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

М. Н. Тилляшайхов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

А. А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М. Х. Ходжибеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда ўткир респиратор дистресс-синдроми (ЎРДС) полиэтиологик касаллик ҳисобланиб, унинг ривожланишида тўғри шикастловчи (аспирация, ўпка инфекцияси, чўкиш, ўпка контузияси, бириктирувчи тўқима касалликлари) ҳамда ўпкага билвосита таъсир қилувчи омиллар, (септик, геморрагик, куйиш оқибатидаги шок, ўткир деструктив панкреатит, ёғ эмболияси, гиперфузия) каби кўп сонли хавф омиллари мавжуд. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, «...Ўткир респиратор дистресс-синдроми ўпканинг нокардиоген шиши деб ҳам юритилади, унинг негизида альвеоляр-капилляр мембрананинг шикастланиши ётади. Ўткир респиратор дистресс-синдроми мезонларига боғлиқ ҳолда унинг учраш даражаси 100 000 аҳолига 1,5 дан 75 ҳолатни ташкил қилади...»¹. Маълумки, ўпка шиши клиник ташхисоти, айниқса, унинг ривожланиши эрта босқичларида мураккаблиги, касаллик клиник кўринишлари ушбу даврда яққол намоён бўлмаслиги билан боғлиқ. Даволаш самарадорлигини ошириш учун шиш табиатини, унинг юзага келиш асосий сабабини билиш ва касаллик оқибатида юзага келадиган ўлимнинг олдини олиш соҳа ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда ўткир ўпка респиратор дистресс-синдроми ривожланиши нур ташхислашни такомиллаштиришга қаратилган замонавий қатор илмий-тадқиқот усуллари амалга оширилмоқда. Бу борада ўткир респиратор дистресс-синдром ва кардиоген ўпка шиши эрта ривожланишини комплекс нур ташхисоти маълумотлари, ҳамда ўткир респиратор дистресс-синдром ва кардиоген ўпка шиши манифестация бошланишидан кейин турли муддатларда кечиш динамикасини рентгенологик ва компьютер-томографик текширувлари маълумотларига катта эътибор қаратилган. Ўткир респиратор дистресс-синдром ва кардиоген ўпка шиши кечишига боғлиқ ўпкадаги морфологик ўзига хослигини, ўткир респиратор дистресс-синдром ва кардиоген ўпка шишида ўпка шиши эрта қиёсий нур ташхисоти алгоритмини ишлаб чиқиш беморлар орасида ўткир респиратор дистресс-синдроми келиб чиқиши ва уни олдини олиш орқали беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини сифат жиҳатдан ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, жумладан, турли соматик касалликларининг тарқалишини камайтириш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати

¹ Авдейкин С.Н., Тюрин И.Н., Козлов И.А. Коррекция гемодинамики при тяжелой внебольничной пневмонии, осложненной острым респираторным дистресс-синдромом //Медицинские новости. 2018. Т. 2. № 18 (355). С. 19-28

ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш бўйича тадқиқотларни чуқурроқ такомиллаштириш аҳоли орасида ўткир ва сурункали ўпка касалликларни ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни кўллашни такомиллаштириш орқали ўрқанинг турли асоратланган касалликларни нур ташхислаш орқали баҳолаш ва унинг асоратида юзага келадиган ногиронлик даражасини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маълумки, ўпка шиши клиник ташхисоти, айниқса, унинг ривожланиши эрта босқичларида анча қийинчилик туғдиради ва ушбу даврда касаллик клиник белгилари кам бўлади. Шишнинг яққол намоён бўлиши кўпинча пневмония ёки бошқа ўпка асоратлари ривожланиши билан баҳоланади. Асосий касалликдан қатъи назар ЎРДС ургент ташхиси қўйилиши Берлин дефинициялари ташхисот мезонлари асосида юритилади (Ranieri V.M., Rubenfeld D. et al., 2012). Мусбат босимли инвазив вентилицияни талаб қилувчи ўткир нафас етишмовчилигида седация протоколлари ва клиник натижасига таъсири баён қилинган (Curley M.A., Wupij D., 2015). Юқорида келтирилган муаммоларни ечишда рентгенологик усул ҳамда клиник кўрик етакчи ўрин ўйнайди. Аммо унинг имкониятларидан доим ҳам тўлиқ фойдаланилмайди. Бу ҳолат нур ташхисотининг бошқа усуллари, аввало, ультратовуш ва компьютер томографиясига тааллуқли. Ўпка шиши, айниқса, кардиоген келиб чиқишга эга шиш рентгенологик симптоматикаси хорижий ҳамда маҳаллий муаллифларнинг кўп сонли ишларида ёритилган. Бироқ, ҳозирги кунгача унинг ривожланишига таъсир қилувчи у ёки бу патологик жараёнларни

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

устунлиги билан боғлиқ рентгенологик кўриниш ўзига хослиги етарли ўрганилмаган. Кейинги йилларда ўпка шишини аниқлаш мақсадида ўпка УТТ усулини клиник қўллашнинг ташхисоти имкониятларига бағишланган янги изланишлар пайдо бўлди (Ямпольская Е.Н., Труфанов Г.Е., 2017; Copetti R., Soldati G., Copetti P., 2008; Cereda M., Xin Y., Meeder N., 2016). Аммо юрак етишмовчилиги бўлган беморларда ушбу усулни амалий қўллаш масалалари кам ўрганилганича қолмоқда.

Ўзбекистонда ЎРДС ни ўрганиш бўйича қатор ишлар амалга оширилган, аммо бу ишлар касалхонагача бўлган босқичда шошилинич ёрдамнинг асосий тамойилларига (Махмудов Н.И. ва ҳаммуаллиф., 2017); ўпка шиши тажрибасида юқори частотали ўпка сунъий вентиляцияси ҳамда анъанавий ўпка сунъий вентиляциясининг қон оксигенацияси, газ алмашинуви ва гемодинамика таъсирига бағишланган (Мавлян-Ходжаев Р.Ш. ва ҳаммуаллиф., 2014); кардиоген ўпка шиши бўлган беморларда ноинвазив ўпка сунъий вентиляцияси афзалликлари исботланган (Сабиров Д.М., Набиев А.А., Койиров А.К., 2009); нафас мушак аппаратининг мушаклари зўриқиши нафас чиқаришда кучайиши ҳисобига бронх ташқи деворига таъсири натижасида бронхлар ичи камайиши билан характерланувчи ўпка шиши эндоскопик тавсифи ўрганилган (Ибадов Р.А. ва ҳаммуаллиф., 2015). Аммо ушбу тадқиқотларда ЎРДС турли босқичларида беморларда клиник кўринишларнинг ўзига хослиги бўйича ишонтирувчи далиллар келтирилмаган, жумладан, ушбу патология нур семиотикаси бўйича ягона фикр йўқ. Тахмин қилиш мумкин-ки, махсус патоморфологик ўзгаришларни, функционал ўзгаришларни ва ЎРДС клиник кўринишларини ўрганиш нур ташхисотининг қулайлаштирилган усулларини жорий қилиш йўли билан ташхисотни ҳамда даволаш натижаларини яхшилаш имконини беради.

Юқорида кўрсатилганлар ЎРДС замонавий ҳамда қиёсий ташхисоти янги усулларни ишлаб чиқиш ва жорий қилишнинг зарурлигини тақозо қилади. Янги тиббий технологияларни намоён қилувчи анъанавий кўрсаткичларни янги имкониятлар билан қўлланиши мақсадли йўналтирилган даволаш-профилактик чораларни ўз вақтида бошлаш, ЎРДС нинг авж олиши ҳамда ривожланишини олдини олиш, ушбу беморларни даволаш натижаларини яхшилаш имконини беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи органлари биргаликдаги жароҳатларини нур ташхисоти замонавий усулларини жорий қилиш» (2013-2017 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўткир респиратор дистресс-синдромини нур ташхисотини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўткир ўпка респиратор дистресс-синдром ва кардиоген ўпка шиши эрта ривожланишини комплекс нур ташхисоти маълумотлари бўйича баҳолаш;

ўткир ўпка респиратор дистресс-синдром ва кардиоген ўпка шиши манифестация бошланишидан кейин турли муддатларда кечиш динамикасини рентгенологик ва компьютер-томографик текширувлари маълумотлари бўйича баҳолаш;

ўткир ўпка респиратор дистресс-синдром ва кардиоген ўпка шиши кечишига боғлиқ ўпкадаги морфологик ўзига хослигини баҳолаш;

ўткир ўпка респиратор дистресс-синдром ва кардиоген ўпка шишида ўпка шиши нур ташхисоти алгоритмни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти терапевтик ва жарроҳлик бўлимларидан 107 нафар беморлар, улардан нафас етишмовчилиги бўлган 87 нафар бемор асосий гуруҳни, нафас аъзолари патологияси бўлмаган ва қорин бўшлиғи аъзолари ўткир патологияси ўткир аппендицит, ўткир панкреатит, ўткир ичак тутилишига шубҳа қилинган 20 беморлар назорат гуруҳини ташкил қилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ўпка шиши синдроми бўлган беморларнинг рентген, УТТ ва КТ тасвири ва касалликдан вафот этганларнинг аутопсия материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, лаборатор, инструментал (рентген, УТТ, КТ), морфологик, комплекс нур ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

комплекс нурли ҳамда клиник-морфологик ташхислаш асосида ўткир ўпка респиратор дистресс-синдромининг тузилмавий нурли семиотикаси ишлаб чиқилган;

интерстициал ҳамда альвеоляр фазадаги комплекс нурли белгилар (хира ойна ва ўткир ўпка респиратор дистресс-синдроми) альвеоляр консолидациясининг хусусиятлари асосланган;

ўткир ўпка респиратор дистресс-синдром интерстициал шиш босқичида рентгенография, компьютер томография ва ЭХОКГ, альвеоляр шиш босқичида - кўкрак қафаси аъзолари рентгенографияси, ҳал қилиш босқичида компьютер томографияни қўллаш асосида нур ташхисоти такомиллаштирилган;

нур ташхислаш текширув усуллари асосида ўткир респиратор дистресс-синдромни уч босқичда (интерстициал, альвеоляр босқич ва ва фиброз босқич) ва кардиоген шишни икки босқичда (интерстициал ва альвеоляр босқичлар) кечиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ташхисоти хатоликларни камайтиришни қулайлаштиришга имкон берувчи ташхисот тактикасида ўткир ўпка респиратор дистресс-синдром (рентген, УТТ ва КТ) ташхисот усулларнинг аҳамияти ва ўрни баҳоланган;

даволашни танлашга объектив ёндашиш ва беморлар орасида ўлим кўрсаткичини камайтириш учун нур усуллари ёрдамида ўткир респиратор дистресс-синдром босқичлари баҳолаш тизими ишлаб чиқилган;

ташхисот ишончлилигини ошириш, даволаш тактикасига таъсир қилган ўткир респиратор дистресс-синдромли беморларни текшириш нур семиотикаси қиёсий мезонлари ишлаб чиқилган;

Ўткир ўпка респиратор дистресс-синдромли беморлар текширувнинг нурланиш семиотикаси дифференциал омиллари ишлаб чиқилди, булар ташхиснинг тугрлигини оширилишига имкон яратиб берди, ҳамда даволаш тактикасига сезилаларли даражада таъсир этди;

беморларни стационарда бўлиш муддатларини қисқартиришга таъсир қилувчи ўткир респиратор дистресс-синдром ташхисот алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқотда замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, олинган илмий материалларни илмий асослашда клиник, рентгенологик, ультратовуш ташхисоти, компьютер томографияси, морфологик ва статистик усулларга асосланганлиги, шунингдек, ўткир ўпка респиратор дистресс-синдромини ўтказган беморларда нур ташхисини баҳолашда янгича ёндошув тизими натижалари халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўткир респиратор дистресс-синдромининг кечиши ва ташхисоти клиник-функционал ўзига хослигини баҳолашда радиологиянинг замонавий ютуқларига катта ҳисса қўшишида, янги рақобатли текшириш ва даволаш усулларини шакллантириш мақсадида касаллик ривожланиши ўзига хослигини кейинчалик ўрганишда база ҳисобланади. Ўпка шиши синдроми бўлган беморлар нур ташхисоти бўйича тадқиқотнинг алоҳида натижалари касалликнинг нур ташхисоти назарий асослари мазмунини такомиллаштиришга имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг алоҳида натижалари ўпка шиши синдроми бўлган беморлар нур ташхисоти бўйича талабалар, ҳамда магистрлар, клиник ординаторлар ва курсантларни ўқув дастури тизимини ва назарий асослари мазмунини такомиллаштиришга имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти замонавий нур ташхисот усулларини қўллаш ёрдамида ўткир респиратор дистресс-синдроми нур ташхис семиотикасининг тузлимавий таркиби, қиёсий семиотикаси ва беморларни қулай текширув алгоритми ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўткир респиратор дистресс-синдромни ташхислаш натижалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ўткир респиратор дистресс-синдромининг ривожланиш жараёни босқичларида радиологик белгилари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил декабрдаги 8н-р/327-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ўткир респиратор дистресс-синдром жараён ривожланиш босқичларида нур ташхиси ва замонавий усуллар ёрдамида радиологик белгиларини асослаш имконини берган;

Ўткир респиратор дистресс- синдром ташхисоти ва қиёсий ташхисотини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳар тиббий маслаҳат-ташхисот маркази рентген ва компьютер-томография бўлими ҳамда «Parents holiday» номи госпитльда, нур ташхисоти бўлимининг клиник ташхисот амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 30 июлдаги 8н-з/14-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши касалликни ташхислаш сифатининг ортиши, жумладан, клиникагача ташхислашда ўткир респиратор дистресс-синдром компьютер томография ва рентгенологик усулни комплекс қўллаш йўли билан ташхислаш сифатини 15,8%га яхшилаш ҳамда ўлим кўрсаткичини 1,5 мартага яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларида, шу жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, объект ва предметни тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасидаги илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўткир респиратор дистресс-синдром ташхисотининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида ўткир респиратор дистресс-синдром этиологияси, патогенези ва ташхисоти бўйича хорижий ва маҳаллий илмий маълумотлар кенг таҳлил қилинган, адабиётлар шарҳи асосида ютуқлари таҳлил қилинган, ушбу муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспекти белгиланган. Тавсия этилаётган даволаш усуллари, уларнинг натижалари, афзалликлари ва камчиликлари баён этилган.

Диссертациянинг «**Ўткир респиратор дистресс-синдром ташхислаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморлар умумий тавсифи, ҳамда фойдаланилган нур текшириш усуллари

ҳамда беморларни патоморфологик текшируви маълумотлари келтирилган. Ушбу тадқиқот 2010-2019 йилларда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида терапевтик ва жарроҳлик бўлимларида 107 бемор, улардан 87 нафар бемор ўткир ўпка шиши синдроми билан стационар даволанган.

Беморлар ўпка шиши турига қараб шартли икки гуруҳга тақсимланган. Биринчи гуруҳга вирус-бактериал зотилжам, вирусли зотилжам, бириктирувчи тўқима касалликлари (Системали қизил бўрича, ревматоид артрит) фонига зотилжам ва ўпка мембраноген шиши ривожланиши билан боғлиқ иммун танқис ҳолат бўйича даволанган 61 нафар бемор (29 нафар эркак (47,5%) ва 32 нафар аёл (52,5%)) киритилган. Беморлар ўртача ёши $43,6 \pm 1,8$ ёш.

Иккинчи гуруҳга юрак ишемик касаллиги (ЮИК) турли кўринишлари: ўткир ва қайталанувчи миокард инфаркти, юрак митрал нуқсони, ўпка кардиоген шиши классик кўриниши ривожланган гипертония касаллиги бўлган 26 нафар бемор (11 нафар эркак (42,3%) ва 15 нафар аёл (57,7%)) киритилган. Ёш бўйича 24 дан 76 ёшгача, ўртача ёши $59,0 \pm 2,9$ йилни ташкил қилган.

Назорат гуруҳига қорин бўшлиғи аъзолари патологиясига шубҳали, нафас аъзолари патологияси бўлмаган, 13 нафар эркак (65%) ва 7 нафар аёллардан (35%) иборат 20 нафар бемор (18,7%) киритилган, ўртача ёши $42,6 \pm 3,9$ йил.

Ташхисот комплекси умумий клиник-лаборатор таҳлиллар, кўкрак қафаси аъзолари рентгенографияси, эхокардиография текшируви, плевра бўшлиғи ультратовуш текшируви, кўкрак қафаси аъзолари мультиспирал компьютер томографияси ҳамда ЎРДС дан вафот этган беморлар патоморфологик текширувини ўз ичига олган.

Олинган натижаларга статистик таҳлил дастурлари асосида ўртача арифметик (M), ўртача квадратик оғиш (σ), стандарт хатолик (m), нисбий кўрсаткичлар (частота, %) дан фойдаланиб статистик ишлов берилди. Статистик аҳамиятли ўзгаришлар ишонч эҳтимоллиги $p < 0,05$ бўлганда олинган.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Ўпка шишига шубҳа бўлганда биринчи уч кун давомида беморларни нур текшируви**» деб номланган учинчи бобида ўпка шиши эрта ривожланиш босқичларида комплекс нур ташхисоти келтирилган. Биринчи уч кун давомида 107 нафар бемор текширилган. Кўкрак қафаси аъзолари рентгенограммасида ўзгаришлар 75 (65,4%) беморда аниқланган, улардан 49 (80,3%) бемор биринчи, 26 (100%) бемор иккинчи гуруҳдан. Биринчи ва иккинчи гуруҳда ЎРДС ва ўпка кардиоген шишида ўпка интерстициал шишига хос рентгенологик белгилари кўпинча симметрик ўчоқли соялар ёки кўпроқ ўрта-пастки майдонда локализацияланган тиникликнинг пасайиши келтирилган. Аммо иккинчи гуруҳдан фарқли биринчи гуруҳ беморларига тотал зарарланиш (21,3%) хос (1-жадвалга

қаранг). Ўчоқли сояларнинг ўлчами фарқловчи ўзига хосликка эга бўлиб, биринчи гуруҳда ўрта калибрли ўчоқлар (49,2%), иккинчи гуруҳ беморларида турли калибрдаги (26,9%) ва йирик калибрдаги (19,2%) ўчоқлар бўлган. Патологик соялар интенсивлиги бўйича фарқланган ва биринчи гуруҳ беморлари учун ўрта (36,1%) ва кичик (1,6%) интенсивлик хос бўлган.

1-жадвал

Ўткир респиратор дистресс- синдром ва ўпка кардиоген шиши интерстициал ўпка шиши фазасида рентгенологик семиотикаси


		Биринчи гуруҳ (n=61)	Иккинчи гуруҳ (n=26)
Патологик соялар	Белгиси	Тиниқлик пасайиши (24,6%) Ўчоқли соялар (55,7%)	Тиниқлик пасайиши (34,7%) Ўчоқли соялар (46,2%)
	Симметрик	Носимметрик (54%) Симметрик (26,3%)	Симметрик 57,7%)
	Тарқалиши	Ўрта-пастки (57,4%) Тотал (21,3%)	Ўрта-пастки (76,9%)
	Ўчоқлар ўлчами	Ўрта калибрли (49,2%)	Йирик калибрли (19,2%) Турли калибрли (26,9%)
	Интенсив Лик	Ўрта (36,1%) Кам (1,6%)	Юқори (46,1%)
Ўпка сурати	Интерстициал компонент ҳисобига кучайган (52,5%); Ўзгармаган (9,8%)	Веноз тип бўйича кучайган (53,8%)	
Ўпка илдизлар	Кам структурали (68,9%); Кенгайган (65,6%); Кенгаймаган (8,2%)	Ноструктур (46,1%) Кенгайган (73,0)	
Плеврал синуслар	Эркин (52,4%)	Эркин (23,1%); Ўнг гидроторакс (23,1%) Чап гидроторакс (7,7 %)	
Юрак чегаралари	Кенгаймаган (47,6%) Юрак равоғ текислангани (1,6%)	Чап томони кенгайган (61,5%) Икки томонлама кенгайган (26,9%)	
Ўпка шиши характери	Интерстициал (80,3%) Ўзгаришсиз (19,7%)	Интерстициал (80,8%) Веноз тўла қонлик (19,2%)	

Кардиоген ўпка шиши бўлган беморларда кўпинча (46,1%) юқори интенсивлик аниқланган. Биринчи гуруҳ беморларида ўпка сурати кўпинча интерстициал компонент (52,5%) ҳисобига кучайган ёки ўзгармаган (9,8%), иккинчи гуруҳ беморлари учун фақат веноз компонент (53,8%) ҳисобига кучайган. Ўпка илдизи таҳлили кўрсатишича, биринчи гуруҳ беморлари учун энг кўп учровчи ва характерли ўзгаришлар: кам структурали (68,9%), кенгайган (65,6%) ва кенгаймаган (8,2%) ўпка илдизи бўлган. Иккинчи гуруҳ беморлари учун ноструктур (46,1%), кенгайган (73,0%) ўпка илдизи хос. Плеврал синуслар биринчи гуруҳ беморларида кўпинча эркин (52,4%) бўлган, иккинчи гуруҳ беморларида эркин синуслар фақат 23,1% ҳолларда, ўнг синусда суюқлик 23,1%, чап томонда 7,7% ҳолларда аниқланган. Юрак чегаралари биринчи гуруҳда кўпинча кенгаймаган (47,6%), аммо бир (1,6%) беморда юрак ёйи текисланган (1-расмга қаранг). Иккинчи гуруҳ беморлари


учун юрак чап бўлими кенгайиши (61,5%), бир вақтда ўнг ва чап бўлимлари (26,9%) кенгайиши хос бўлган. Биринчи гуруҳ беморлари умумий рентген сурати ўпка интерстициал шиши (80,3%) аниқланган ва 19,7% ҳолларда рентгенограммада ўзгаришлар аниқланмаган.



а. икки томонлама тиниқлик тотал пасайиши, синуслар эркин, юрак чегаралари кенгаймаган



б. патологик сояларсиз, юрак ёйи текисланган



в. веноз тип бўйича кучайиш, ўнгда латерал синус сояланган, юрак чегаралари кенгайган, кўпроқ чап томонлама

1-расм. Рентгенологик усул маълумотлари бўйича биринчи гуруҳ беморлари (а – бемор Л, 42 ёш, ИБ - 6391, б – А., 54 ёш, ИБ - 37910) ва иккинчи (в – бемор Ю., 69 ёш, ИБ - 8302) гуруҳ беморларида синуслар ва юрак чегаралари

Иккинчи гуруҳ беморларида интерстициал шиш 80,8%, веноз тўлақонлик 19,2% ҳолларда кузатилган. Шундай қилиб, клиник-рентгенологик маълумотлар бўйича КГ беморларида ўпка шиши истисно қилинган ва юқори нафас йўллари зарарланишига мос ташхис қўйилган. Биринчи гуруҳ беморлари учун ЭХОКГ кўрсаткичлари меъёр чегарасида бўлган, иккинчи гуруҳ беморлари учун бу кўрсаткичлар ишончли фарқ қилган. Чап қоринча ўлчами, ҳажми тинч ҳолатда ва қисқарганда ҳамда бир қисқарганда (KDR, KSR, KDO, УО) биринчи гуруҳ беморларида иккинчи гуруҳга нисбатан кам бўлган. Мос равишда чап қоринча қисқариш хусусияти иккинчи гуруҳ беморларида меъёрдан кам бўлган ва биринчи гуруҳга нисбатан 9,6% га кам бўлган (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Текширилган беморларга хос ЭХОКГ белгилари, перикард ва плеврал бўшлиқларда суюқлик локализациясининг қиёсий аспекти

Белгилар		Биринчи гуруҳ, n=61	Иккинчи гуруҳ, n=26
ЭХОКГ	KDR	4,7±0,08	5,6±0,1
	KSR	3,1±0,07	4,3±0,1
	KDO	99,3±4,1	122,7±8,8
	УО	60,7±1,9	79,7±4,7
	ФВ	≥ 55%	< 55%
Эркин суюқлик локализацияси	Перикардда (8,2%)		Перикардда 15,4%)
	Чап плеврал бўшлиқда (6,6%); икки томонлама (18%)		ўнг плеврал бўшлиқда (3,9%); икки томонлама (53,8%)

Биринчи гуруҳ беморларида перикардда суюқлик 8,2% ҳолатда учраган, ушбу кўрсаткич иккинчи гуруҳ беморларида 7,2% га юқори бўлган. ЎРДС беморларида чап плеврал бўшлиқда 6,6% ҳолатда суюқлик бўлган, иккинчи гуруҳ беморларида қайд қилинмаган. Ўпка кардиоген шиши бўлган

беморларда ўнг плеврал бўшлиқда суюқлик 3,9% ҳолатда аниқланган, иккинчи гуруҳ беморларида бўлмаган. Биринчи гуруҳ беморларида икки томонлама суюқлик 18% ҳолатда бўлиб, ушбу кўрсаткич иккинчи гуруҳ беморларида 35,8% га юқори бўлган. Иккинчи гуруҳ беморларида чап қоринча қисқариш қобилияти пасайиши, перикард ва плеврал бўшлиқларда суюқлик бўлиши чап қоринча етишмовчилигидан далолат берган ва кардиоген ўпка шиши клиник-рентгенологик манзарасини тасдиқлаган. Стандарт УТТ ва рентген усуллари кутилган натижа бермаганда кўкрак қафаси КТ ўпка шиши охириги босқичларида тавсия қилинади. Ўтказилган рентгенологик текширувлар 87 нафар бемордан ЎРДСли 12 нафар бемор рентгенограммасида патологик ўзгаришлар аниқланмаган, аммо клиник манзараси ушбу патологияга мос бўлган. Кардиоген ўпка шишли 5 нафар беморнинг рентгенограммасида веноз тўлақонлик аниқланган.

3-жадвал

Ўткир ўпка респиратор дистресс- синдром интерстициал ўпка шиши фазасида компьютер-томографик семиотикаси

Белгилари		Биринчи гуруҳ	Иккинчи гуруҳ
«Хира ойна»	Белгиси	Диффуз, текис (83,3%) Диффуз нотекис (16,7%)	Диффуз текис (100%)
	Симметрик.	Симметрик (83,3%) Носимметрик (16,7%)	симметрик (100%)
	Тарқалиши	Ҳамма бўлақлари (100 %)	Ҳамма бўлақлари (100 %)
	ЎОЗ* ўнг	-499±29ед.Н.	-458±4,5
	чап	-482±19ед.Н.	-458±24
Альвеоляр консолидацияси	Белгиси	Йўқ (66,7%) Фокусли, нотекис (33,3%)	АК йўқ (100%)
	«Ҳаво бронхографияси»	Учраши умумий сонига нисбатан 100%	-
	гравитац. градиент	Учраши умумий сонига нисбатан 100 %	-
	ЎОЗ * ўнгда	-173±23ед.Н.	-
	чапда	-180±110ед.Н.	-
маҳалийлаштириш	Пастки бўлак (33,3%)	-	
Ретикуляр сурати		Нозик тўрсимон (83,3%) Ретикуляр ўзгаришлар йўқ (16,7%)	Нозик тўрсимон (40%) Зич текис ретикуляр сурати (60%)
Ўпка сурати		Ўзгармаган 100%	Веноз тўла қонлик ҳисобига кучайган, перибронховаскуляр қалинлашув (100%)
Кўкрак ичи лимфа тугунлари		Катталашган (50%)	Катталашган (60%)
Плеврал бўшлиқда суюқлик		Йўқ	Икки томонлама
Юрак камералари		Кенгаймаган	Кенгайган
Перикардда суюқлик		Йўқ	бор (60%)
Ўпка шиши характери		Интерстициал	Интерстициал

Изоҳ: * ЎОЗ – ўртача оптик зичлиги

Шу сабабли ушбу беморларга компьютер томография тавсия қилинган. Келтирилган маълумотлар асосида кардиоген ва нокардиоген ўпка шиши қиёсий ўзига хосликлари тизимлаштирилган (3-жадвалга қаранг).

Шундай қилиб, эрта босқичларда ўпка шиши, комплекс ташхисоти патологик жараённинг асосий босқичларини аниқлашга, унинг динамикасини баҳолашга ва кўп ҳолларда шиш келиб чиқиши патофизиологик механизмини аниқлаштиришга имкон беради. Ўтказилган текширувлар кўрсатишича, турли сабабларга боғлиқ ўпка шишлари аниқланаётган ўзгаришлар даражаси ва кўкрак қафаси турли қисмларида суюқлик тақсимланиши бўйича фарққа эга (1-2-расмларга қаранг).



а. аксиал проекция; носимметрик, диффуз, бир текис, «хира ойна» типи бўйича зичлашув, ўнгда -461 ед.Н., чапда -494 ед.Н. чап ўпка учиди фокуси соя (АВМ)



б. аксиал проекция; носимметрик, нотекис, фокуси, кўпрок пастки бўлакда, орка сегментларда, альвеоляр консолидация типиди; ўнгда +5 ед.Н., чапда -16 ед.Н.



в. аксиал проекция; носимметрик, нотекис, фокуси, кўпрок пастки бўлакда ва орка сегментларда альвеоляр консолидация типиди зичлашув



г. сагитал проекция, чап ўпка



д. сагитал проекция, чап ўпка



е. коронар проекция; икки сагитал проекция, чап ўпка носимметрик нотекис «хира ойна» типиди зичлашиши

2-расм. Бемор А., 54 ёш, ИБ - 33057, ўРДС, МПР реконструкция билан МСКТ натижалари

Олиб борилган текширувлар натижасида беморларнинг аксариятида ўпка шиши ташхиси қўйиш учун зарур маълумотлар биринчи уч кун давомида умумий баҳоловчи рентгенограмма ёрдамида олиниши мумкинлиги аниқланди.

Диссертациянинг «Ўтқир респиратор дистресс-синдром ва кардиоген ўпка шиши нур кўрсаткичларининг патологик жараён ривожланиш

динамикасидаги ўзига хослиги» деб номланган тўртинчи бобда ўткир респиратор дистресс-синдром ва кардиоген ўпка шиши динамикасида жараён ривожланишининг 4-10 ва 11-13-кунида нур семиотикаси келтирилган. 18,3% (11 нафар бемор) да ўтказилган даволаш тадбирларига қарамай, 4-кунида ЎРДС қайд қилинган, кардиоген ўпка шишида ўлим кўрсаткичи 30,8%, яъни 1,8 марта юқори. Натижада, рентгенологик текширув 4-6-кунида давомида ЎРДС билан 50 нафар бемор, кардиоген ўпка шиши билан 18 нафар бемор (68 текширув)да ўтказилган. Рентгенологик маълумотларни динамикада таҳлил қилганда альвеоляр ўпка шиши рентген манзараси биринчи гуруҳ беморларида 88% ҳолатларда, иккинчи гуруҳ беморларида эса 77,8% ҳолатларда кузатилган.

Ўпка шиши альвеоляр фазаси биринчи ва иккинчи гуруҳ беморларида ўчоқли-фокусли соялар ва қоронғиликлар билан характерланган. Биринчи гуруҳ беморларида ўчоқли-фокусли соялар 36%, қоронғиликлар 52% ҳолатларда кузатилган. Иккинчи гуруҳ беморларида массив қоронғиликлар (55,5%), ўчоқли-фокусли соялар (27,8%) аниқланган. 12% ҳолатларда биринчи гуруҳ беморларида, 16% ҳолатларда иккинчи гуруҳ беморларида ўпка интерстициал шиши рентген манзараси компьютер томографияси ўтказишга кўрсатма бўлди. Бу даврда «хира ойна» типи манзарасида патологик зичлашиш биричи гуруҳ беморларида 6 (100%) аниқланди, иккинчи гуруҳ беморларида учрамади.

Ўпка шиши альвеоляр фазасида қуйидаги компьютер-томографик белгилар аниқланди. «хира ойна» типиди патологик зичлашиш биринчи гуруҳ беморларида кузатилди. «Хира ойна» асосан фокусланган бўлиб, 50% текис, 16,7% нотекис ва 33,3% диффуз нотекис бўлган. «Хира ойна» 83,3% ҳолатларда симметрик ва 100% ҳолатларда ўпканинг барча бўлаклари бўйлаб тарқалган. Ўртача оптик зичлик ўнгда -353 ± 7 ед.Н., чапда -440 ± 1 ед.Н.

Альвеоляр консолидация типиди патологик зичлашиш икки гуруҳ беморларида қайд қилинган.

Иккинчи гуруҳ беморларида диффуз тарқоқ альвеоляр зичлашиш (100%) кузатилган ва биринчи гуруҳ беморларида қайд қилинмаган.

Биринчи гуруҳ беморлари учун жараён фокусли, текис (50%), диффуз, нотекис (50%) бўлиб, ушбу кўрсаткичлар иккинчи гуруҳ беморларида кузатилмаган (4-жадвал). ЎРДС беморлари учун асимметрик альвеоляр зичлашиш хос бўлиб, 100% қайд қилинган, иккинчи гуруҳ беморлари учун симметрик зарарланиш (100%) хос бўлган. Жараён тарқалиши бўйича ЎРДС беморлари учун гравитацион градиент ҳисобига ўпка барча бўлаклари, асосан пастки бўлаклари (66,7%) да тарқалган. Кардиоген шишли беморлар учун икки ўпка барча бўлаклари бўйича тарқалиш, кўпроқ марказий (100%) хос бўлади. Биринчи гуруҳ беморларида альвеоляр зичлашиш ўнгда $-65,5 \pm 0,5$ ед.Н.ни ташкил қилди ва иккинчи гуруҳ беморларидан 19,5 ед.Н.га кўпроқ бўлди, чапда эса бу кўрсаткич -66 ± 1 ед.Н., иккинчи гуруҳ беморларидан 33 ед.Н. га кўп бўлган. Яъни альвеоляр зичлашиш биринчи гуруҳ беморларида кам зич бўлган. «Ҳаво бронхографияси» симптоми альвеоляр консолидациянинг барча ҳолатларида кузатилган.

4-жадвал

Ўткир ўпка респиратор дистресс-синдром ва ўпка кардиоген шиши альвеоляр фазасида компьютер-томографик семиотикаси

Белгилар		Биринчи гуруҳ	Иккинчи гуруҳ	
«Хира ойна»	Белгиси	Фокусли текис (50%) Фокусли нотекис (16,7%) Диффуз нотекис (33,3%)	-	
	Симметрик	Носимметрик (83,3%)	-	
	Тарқалиши	Барча бўлақлар (100%)	-	
	ЎОЗ	Ўнг	-353±7ед.Н.	-
Чап		-440±1 ед.Н.	-	
Альвеоляр консолидацияси	Белгиси	Фокусли текис (50%) Диффуз нотекис (50%)	Диффуз текис (100%)	
	Симметрик	Носимметрик (100%)	Симметрик (100%)	
	«Ҳаво бронхографияси»		Бор (100%)	Бор (100%)
	ЎОЗ	Ўнг	-65,5±0,5 ед.Н.	-45±60 ед.Н.
		Чап	-66±1 ед.Н.	-33±46 ед.Н.
Тарқалиши		Барча бўлақлар, кўпроқ пастки бўлақда (66,7%)	Барча бўлақлар, кўпроқ марказий (100%)	
Ретикуляр сурати		Нозик тўр (83,3%); Зич текис ретикуляр сурати (16,7%)	Нозик тўр (100%)	
Плевра бўшлиғи ажратилган трансудат ёки суюқлик		Суюқлик йўқ (83,3%); Суюқлик икки томонлама (16,7%)	Икки томонлама (100%)	
Юрак камералари		Кенгаймаган 100%	Кенгайган (100%)	
Ўпка шиши характери		Альвеоляр 100%	Альвеоляр 100%	

Юмшоқ ретикуляр сурати ўРДС нинг 83,3%, ўпка кардиоген шиши 100% ҳолатларида қайд қилинган. Биринчи гуруҳ беморларида зич текис ретикуляр сурати хос, ушбу белги 16,7% ҳолатларда учраган. Плеврал бўшлиқда икки томонлама суюқлик кўпинча кардиоген ўпка шишли беморларда 100% ҳолатларда ишончли кўп учраган. ЎРДС да 16,7% ҳолатларда икки томонлама суюқлик қайд қилинган, бошқа ҳолатларда суюқлик аниқланмаган.

11-кунида ўтказилган даволашга қарамай, ўРДС бўлган 10 нафар (20%) беморда ва кардиоген ўпка шиши бўлган 1 нафар (5,6%) беморда ўлим билан тугаган. Бу вақт оралиғида биринчи гуруҳдаги 40 нафар беморда ва иккинчи гуруҳдаги 17 нафар беморда рентгенологик текширув ўтказилган. Кардиоген ўпка шиши бўлган беморларда бу вақт оралиғида 100% ҳолатларда патологик соялар аниқланмаган. Биринчи гуруҳ беморларида 35% ҳолатларда ўчоқли соялар сақланган, 55% ҳолатларда патологик соялар аниқланмаган. Патологик соялар 100% ҳолатларда симметрик характерга эга

бўлиб, асосан ўрта-пастки майдонда жойлашган. Иккинчи гуруҳ беморларида 100% ҳолатларда веноз тўлақонлик кузатилган, биринчи гуруҳ беморларида эса 90% ҳолатларда интерстициал сурати зичлашган, ўпка сурати деформацияси ва 10% ҳолатларда кучайган интерстициал сурати эркин, иккинчи гуруҳда ўнг плеврал синусда 64,7% ҳолатда суяқлик мавжудлиги кузатилган ва 35,3% ҳолатларда суяқлик аниқланмаган (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

Ўткир ўпка респиратор дистресс-синдромнинг ўпка шиши якуний фазаси рентгенологик семиотикаси

Белгилар		Биринчи гуруҳ (n=40)	Иккинчи гуруҳ (n=17)
Патологик соялар	белгиси	Соя йўқ (55%) Ўчоқли соя (35%)	Соя йўқ (100%)
	Симметрик	Симметрик (100%)	-
	Тарқалиши	Ўрта-пастки (100%)	-
Ўпка сурати		Интерстициал сурати кучайган, Ўпка сурати деформацияси (90%); Интерстициал сурати кучайган (10%)	Веноз типда кучайган (100%)
Плеврал синуслар		Эркин (100%)	Гидроторакс ўнгда (64,7%); эркин (35,3%)
Юрак чегаралари		Кенгаймаган (100%)	Чап томонлари кенгайган (100%)
Хулоса		Фиброз ўзгаришлар (88,9%); Альвеоляр шиш (11,1%)	Веноз тўлақонлик (100%)

Биринчи гуруҳ беморларида 100% ҳолатларда юрак чегаралари кенгаймаган. Иккинчи гуруҳ беморларида 100% ҳолатларда юрак чап бўлимлари кенгайган. Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, биринчи гуруҳдаги беморларнинг 88,9% да рентген сурати ўпкада фиброз ўзгаришларга, 11,1% ҳолатларда ўпка альвеоляр шишига мос келган. Иккинчи гуруҳдаги барча беморларда умумий рентген сурати

ўпкадаги веноз димланишга хос бўлган. «хира ойна» 100% ҳолатда симметрик, диффуз ва нотекис, ўпканинг барча бўлаклари бўйлаб тарқалган. 50% ҳолатда симметрик, 50% ҳолатда носимметрик характерда бўлган. Альвеоляр консолидация, «хира ойна» 100% ҳолатда носимметрик, фокусли ва нотекис, асосан пастки бўлагида бўлиб, унинг фонида «хаволи бронхография» кузатилган. Альвеоляр зичлашув ўртача оптик зичлиги «хира ойна» зичлигидан анча кам бўлган (6-жадвалга қаранг). Ўнг ўпка «хира ойна» ўртача оптик зичлиги ўртача -387 ± 78 ед.Н., чап ўпканики -133 ± 19 ед.Н., альвеоляр консолидация ўнгда ўртача -433 ± 47 ед.Н., чапда -317 ± 30 ед.Н. Бу вақт оралиғида ретикуляр ва ўпка суратида ўзгаришлар аниқланди. 50% ҳолатларда ретикуляр сурати нозик бўлган, 50% ҳолатда эса зич ва нотекис бўлган. Бундан ташқари барча беморлар (100%) да пастки ўпка бўлагида ўпка

